Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№78 (427)
2020 йил 9 октябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkori@umail.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 октябрь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар кун тартибидаги долзарб масалаларни батафсил кўриб чиқдилар. Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва қардошлик ришталари, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган фаол мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши оқибатларини самарали енгиб ўтиш мақсадида амалий ҳамкорлик бўйича, энг аввало, савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транзит, қишлоқ хўжалиги ва бошқа муҳим тармоқлардаги лойиҳаларни илгари суриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари томонидан ўтган ойда ўтказилган сиёсий маслаҳатлашувларнинг самарали натижалари ижобий баҳоланди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида қабул қилинган қарорлар ва эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар.

Тизимли ва барқарор тус олаётган ушбу муҳим формат доирасида сермаҳсул мулоқот олиб борилаётгани мамнуният билан таъкидланди.

Минтақадаги кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида хавфсизлик, иқтисодиёт, инновациялар, транспорт, фан, таълим, туризм ва маданият соҳалари кўрсатиб ўтилди.

Давлат раҳбарлари Қирғиз Республикасидаги воқеалар ривожига алоҳида тўхталдилар. Ушбу мамлакатдаги вазият Қирғизистон Конституциясига мувофиқ ҳолда тез фурсатда барқарорлашиши зарурлиги қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ИШ ТИЗИМИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хотин-қизлар ва ёшлар – аҳолининг катта қисми, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнгги йилларда ушбу икки йўналиш бўйлаб Ўзбекистонда давлат сиёсатини маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим яратилди. Ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, унинг 3 нафаргача мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимининг 3 нафар ходими, вилоятда ҳам ҳоким ўринбосари, унинг 4 нафар мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бошқармасининг 11 нафар ходими ажратилди.

Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари, туманда – маҳалла ва оила бўлими бошлиғи ўринбосари ва 2 нафар мутахассиси, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирлиги берилди.

Бундан ташқари, ёшлар масалаларини ҳал этишга Президентнинг Халқ қабулхоналари, хотин-қизлар масалаларини ҳал этишга эса Касаба уюшмалари бириктирилди.

Лекин жойларда ушбу идоралар, тўртта сектор ишни самарали ташкил эта олмаётгани бор гап.

Шу боис видеоселектор йиғилишида хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими жорий этилиши таъкидланди.

Маълумки, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни «темир дафтар» тузилган эди. Энди худди шунингдек ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида «ёшлар дафтари» ва «аёллар дафтари» шакллантирилади. Бу рўйхатлар «темир дафтар»дан алоҳида бўлади. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилади.

Йиғилишда ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш тизими Хатирчи тумани ва Янгиер шаҳри мисолида муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга ушбу тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоятнинг биттадан шаҳар ва туманида, яъни 28 та ҳудудда синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакилларига ҳар бир маҳалладаги ҳолатни ўрганиш, ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, эҳтиёжларини, қизиқишларини аниқлаш ҳамда шу асосда манзилли чоралар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

– Бундан кейин одамларнинг уйига бориб, ишга муҳтожларни ишга жойлаштириш тизимини яратишимиз керак. Энди қайси жойда раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, ўша жойда вазият ўзгаради. Энг асосий мақсад – иқтисодий барқарорликдан натижадорликка ўтиш, – деди Президент.

Ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш муҳимлиги таъкидланди.

Масалан, оилавий психолог хизмати ва туман адлия бўлими орқали ҳуқуқий маслаҳатларни бепул ташкил қилиш мумкин. Ёлғиз кекса аёллар билан патронаж ҳамширалар, ёшлар, маҳалла ва оила бўлимлари ишлаши лозимлиги қайд этилди.

*(Давоми 2-бетда)*



# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ХУШНУД ЭТАДИ

**Эркин ва озод бўлиб яшашда хислат, ҳикмат кўп экан. Мана, бир неча йиллардирки, унинг шарофати билан қардош давлатлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик қарор топганини нафақат дўстлик ришталарида, балки қурилиш, бунёдкорлик ишлари-ю, ободонлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам яққол кўриш мумкин.**







*Батафсил 6-саҳифада.*



Реклама

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№78 (427) 2020 йил 9 октябрь

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ИШ ТИЗИМИ БЕЛГИЛАНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ишсиз ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш ҳокимнинг инвестиция бўйича ўринбосари, туман ва шаҳар бандлик бўлими, Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази, Бош вазир қабулхоналари ва банкларнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклиги айтилди.

Ўз меҳнати, иродаси туфайли катта ютуқларга эришган машҳур шахслар билан учрашувлар ташкил этиб, ёшлар ва хотин-қизларга кучли мотивация бериш, чет тили, касб-ҳунар ва бизнесга ўргатадиган аудио ва видео материаллар тайёрлаб тарқатиш ҳам яхши самара беради.

Йиғилишда «ижтимоий шартнома» тажрибасини кенг қўллаш муҳимлиги айтилди. Бунда, аввало, фуқаро касб ўрганиши, ишга жойлашиши, ўзини ўзи банд қилиши учун давлат томонидан моддий ва ижтимоий кўмак кўрсатилади.

«Дафтар»лар билан ишлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди. Улар билан ҳамкорликни кенгайтириб, жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашуви, ёшлар ва аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш, уларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш муҳимлиги айтилди.

Бу ишларга «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг салоҳияти сафарбар этилади. Бундан ташқари, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларга йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади.

Йиғилишда мўлжалдаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун уларни барқарор молиявий манбалар билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишларда маълум бўлишича, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 55 фоизи ўрта маълумотли. Ишсиз ёшларнинг ҳам кўпчилиги замонавий билим ва ҳунарларни эгалламаган.

– Ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйсак, уларнинг муносиб иш топишига кўмаклашсак, кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал бўлади. Бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-ҳунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, бу борада мутлақо янги тизим жорий қилиниб, нодавлат касб-ҳунар таълими марказлари орқали ёшлар ва аёлларда касбий кўникмаларни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтирилади. Шунинг 10 миллиони ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитишга, 90 миллиони эса ўқув курсларини тамомлаб, сертификат олганларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун сарфланади. «Ижтимоий шартнома» орқали нодавлат касб-ҳунар ўқув курсларини битирадиган ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 миллион сўмгача субсидия берилади.

Яна бир масала – Касб ва лавозимлар классификатори бугунги замон ва меҳнат бозори талабларига мос келмайди. Мисол учун, унда 2 минг 484 та, яъни 70 фоиз хизматчи лавозими бўйича олий маълумот талаб этилади. Хусусан, маълумотлар базаси билан ишлайдиган мутахассис, веб-дизайнер каби ихтисосликларга олий малака талаби қўйилган. Ушбу касбларни IT-марказларда ярим йилда яхши ўрганиш мумкин.

Кутубхоначи, таржимон, банк агенти, реклама мутахассиси каби кўплаб вазифаларга ҳам олий маълумот талаби қўйилган. Меҳнат бозорида бундай касблар бўйича 4 мингга яқин вакансия мавжуд.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Касб ва лавозимлар классификаторида олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш вазифаси қўйилди.

Ҳокимларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари «ёшлар дафтари», маҳалла ва оила масалалари бўйича ўринбосарлари «аёллар дафтари»га масъуллиги белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ахбороти эшитилди.

**ЎзА.**

## Яна бир хусусий клиника ўз фаолиятини бошлади

**Ёш шифокор – невропатолог Феруз Ашуров анча йиллардан буён хусусий клиника фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирган эди. Бўстон маҳалласида иш бошлаган «Вазирабону» хусусий клиникасининг ишга туширилиши натижасида унинг мана шу орзуси амалга ошди.**

Жами 2,4 миллиард сўм маблағ сарфланган ушбу клиникада неврология, гинекология, кардиология тиббий хизматлари, физиотерапия муолажалари Россия, Хитой, Украина мамлакатларидан келтирилган 3D ўлчамдаги УЗИ, ЭКГ, ЭЭГ, ЭХО-ЭГ каби замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, бу ерда 20 ўринли стационар даволаниш маскани ҳам бунёд этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида чуқур ислоҳотлар ўтказилмоқда. Жумладан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.**

## Маънавий-маърифий масалалар – эътиборда

Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармасида мазкур йўналишда турли учрашувлар, давра суҳбатлари, маърузалар ташкил этиш яхши анъанага айланди. Бунда албатта, жамоа аъзоларининг фикрлари инобатга олинаётгани ҳам диққатга сазовордир.

– Ҳамкасбларимиз орасида адабиётга, айниқса, шеъриятга меҳр қўйганлар кўпчиликни ташкил этади, – дейди бош бошқарма бўлим бошлиғи Бекзод Абдуллаев. – Шунинг учун ижодкорлар билан учрашиш, уларнинг янги асарлари билан танишишни жуда-жуда истардик. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда китоб мутолаасига эътибор кучайди. Чоп этилаётган янги асарлар, уларнинг мавзулари ҳақида маълумот олиш ҳам муҳим.

Қурилиш бош бошқармасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, наманганлик шоир, таржимон ва драматург Жамолиддин Муслим билан ташкил этилган учрашув ана шундай истакларни рўёбга чиқарди. Ижодкор жамоа аъзоларига бугунги кунда кечаётган адабий жараёнлар ҳақида сўзлаб берди. Ўзбек адибларининг 2019-2020 йилларда дунё юзини кўрган асарлари ҳақидаги ахборот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ижодкор ўзининг бадиий адабиёт ҳақидаги мулоҳазаларини баён этиб, янги ёзган бир қатор шеърлари ва таржималаридан ўқиб берди. Тадбир Жамолидддин Муслим қаламига мансуб «Сабот манзили» шеърий тўпламининг тақдимоти билан якунланди.

Ташкил этилган ана шундай тадбирларнинг яна бири «Истиқлол – улуғ неъмат» мавзусида бўлиб, унинг қатнашчилари Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси Нурбек Абдуллаевнинг халқимизнинг Мустақиллик йўлида олиб борган кураши тарихи, бу борада берилган қурбонлар ҳақида қизиқарли воқеалар ва фактлар, аниқ мисоллар асосида тузилган маърузасини тинглашди. Мустақиллик йиллари даврида мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳақида фикр юритилди.

«Маънавият соати» доирасида амалга оширилаётган бундай тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Бош бошқармада яқинда Наманган шаҳридаги «Абу Ҳанифа» масжиди бош имом-хатиби Шукруллохон ҳожи Турсунов билан ҳам учрашув ўтказилди. «Ислом дини ва одоб-ахлоқ масалалари» мавзуидаги суҳбатда халқимизнинг миллий ва диний қадриятлари ҳақида сўз борди. Фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, қайнона-келин муносабатлари, замонавий шароитда тарбия муаммолари, ёшларни касб-ҳунар ўрганиши ва уларни маълумотли мутахассислар бўлиб етишишга қизиқтириш мавзусида интерфаол усулда ташкил этилган мулоқот қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**Азизбек ОРИФЖОНОВ.**

ҲОКИМ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

# Юрт обод, кўнгиллар шод



**Бугун республикамизнинг қайси бурчагига борманг, миллий бойлигимиз – пахта йиғим-терими авж олганига кўзингиз тушади. Бободеҳқонларнинг пешона тери, шижоатли меҳнати билан етиштирилган мўл-кўл ҳосилни тезроқ саранжомлаб, хирмонни тўлдириш - биз раҳбарларнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.**

Негаки, оқ олтин туманнинг бебаҳо бойлиги, аҳолининг даромад манбаи, дастурхон тўкинлигининг асосидир. Шу ўринда ҳали яқингача хомашё сифатида сотилган пахтанинг ярмидан кўпи ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Биргина «Афросиёб жинси» қўшма корхонасида тайёрланаётган бежирим либослар бугун жаҳон бозорини забт этаётир. Бундай корхоналар сони эса ортиб боряпти. Натижада Оқдарё тумани саноатлашган манзилга айланиб, одамларни иш билан таъминлаш муаммосига барҳам берилмоқда. Яқинда яна бир хомашё – пиллани қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Халқ банкининг 3 миллиард сўмлик кредити эвазига барпо бўлган «Оқдарё ипаги» корхонаси йилига 250 тонна пиллани қабул қилиб, ипак тола, момиқ ҳамда қайта ишланган ипак чиқити экспортини йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда харидоргир ипак гиламини тўқиш йўлга қўйилган бўлса, яқин орада ипак газлама ҳам тайёрлана бошлайди. Натижада юзлаб хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб самарадорлик салмоғи ошиб бормоқда. Шунингдек, инвесторларни, жумладан, хорижлик инвесторларни жалб қилган ҳолда мева-сабзавот, узумни қайта ишловчи корхоналар очиш, янги замонавий иссиқхоналар қуриб сара маҳсулотлар етиштириш, дастурхон маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшиш бўйича саъй-ҳаракатларимиз ҳам ўз натижасини бераётир. Муҳими, бундай интилишлар туфайли туманда қурилишлар сони ортиб, бунёдкорлик сари дадил қадам ташланаяпти, ёшларни яратувчиликка чорлаш, улар қалбида меҳнатга интилиш, фойдали иш билан шуғулланиш ҳиссини уйғотиш кучаймоқда.



Яна бир мисолга эътибор қаратайлик. Муҳтарам Президентимизнинг Оқдарёга ташрифидан кейин ўнлаб йигит-қизлар тадбиркорликда ўз куч, имкониятларини синовдан ўтказишга аҳд қилган эдилар. Шундай ўғлонлардан бири Толибжон Абдужалилов «Пичоқчи DRUFRUITS» жамиятини ташкил этиб, оилавий бизнесга йўл очди. Уй шароитида ишбилармонликка қўл уриб, ҳар йили бир миллион АҚШ долларидан зиёд қуритилган мева экспортини амалга ошираяпти. Оила аъзоларидан ташқари 30 нафар ҳамқишлоғи иш билан машғул. Айни пайтда Толибжон ўзига ажратилган 30 гектар майдонда лойиҳа асосида муҳташам корхона инновацион ва ижтимоий мажбуриятлари белгиланган ҳолда «Агротуризмни ривожлантириш, барча турдаги ҳўл ва қуруқ қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини қабул қилиш, қайта ишлаш, қадоқлаш, экспортга жўнатиш логистика маркази» қурилишини бошлаб юборган.

Туманда инвестиция дастури бўйича ҳар йили кўплаб янги иншоотлар барпо этилаётгани, мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, шифохоналар капитал ва жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилаётгани аҳолини қувонтирмоқда. Коронавирус пандемияси фаолиятга салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, жорий йилда ҳам жойларда бунёдкорлик юмушларига катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, 5-, 47-умумтаълим мактаблари, 24-, 39-МТТ давр талабига монанд тарзда қайта таъмирланиб, қатор таълим ва тарбия муассасаларида маҳаллий бюджет маблағлари жалб этилган ҳолда таъмирлаш юмушлари амалга оширилди, ободончилик ишлари олиб борилиб, шароитлар яхшиланди.

Бунда якка тартибдаги тадбиркорларнинг қалби Ватан ишқи билан лиммо-лим юртдошларимиз амалга ошираётган режалари қўллаб-қувватланаётганлиги ўз самарасини бераяпти. Жумладан, Ғулом Зубайдуллаев ташаббуси билан «Лойиш гўзал боғчаси» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ишга туширилди. Давлат хусусий шерикчилик асосида бунёд этилган 100 ўринли тарбия масканидаги қулайликлар барчанинг ҳавасини келтириши шубҳасиз. Бундай фидойи, ватанпарвар инсонларимиз кўпайиб бораётганлиги бизни мамнун этади, албатта.

Туманда 2020 йил манзилли дастурга мувофиқ турли йўналишлардаги қурилиш-монтаж ишларига 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш режалаштирилиб, айни пайтга икки-уч ҳисса кўпроқ сарфланганининг ўзи Оқдарё келажаги порлоқ эканини кўрсатиб турибди. Биргина Лойиш шаҳарчасида бошланган бунёдкорлик юмушлари ҳаммани ҳайратга солаётир. Илгари қишлоқдан фарқ қилмайдиган марказ эндиликда чинакам шаҳар қиёфасига кирмоқда. Йўлларни кенгайтириш, пиёдалар учун махсус йўлаклар ташкил этиш, икки томонда иморатлар, уйларнинг кўринишини ўзгартириш, коммуникация тизимлари, ариқларни тартибга келтириш ландшафт меъморчилигига асосланган яшил зоналар яратишга жиддий аҳамият қаратилган. Бунда янги ғоялар, инновацион технологиялар кенг қўлланилиб, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига тўла риоя қилинаётгани эътиборга сазовор.

Маълумки, Оқдарё икки дарё – Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашгани баъзи соҳаларда имтиёз берса, айрим тармоқларда янада эътиборли бўлишни талаб этади. Ер ости сувларининг яқинлиги, тошлоқ жойлар кўплиги муаммолар келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Аммо тажрибали ходимлар, малакали мутахассислар ҳар қандай мураккаб масалага ечим топишга интилаяптилар. Мисол учун, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражасини яхшилаш, янги водопровод линиялари тортишга катта аҳамият қаратилган. Электр, табиий газ таъминоти, канализация тизимларини қуриш бўйича рўёбга чиқарилаётган юмушлардан ҳам кўнгил таскин топади, деб ўйлайман. Қишлоқ жойлардаги ички йўлларни таъмирлаш бизда жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу масаланинг ечимини топишга қаратилган турли усуллардан фойдаланаяпмиз. Масалан, элимизнинг азалий удуми – ҳашар туфайли анчагина муваффақиятга эришдик. Миёнқол маҳалласининг Жин, шунингдек, Кўксоқол, Яшнобод, Найманча, Болта қишлоқларидаги, қарийб, 10 километрлик кўча тош тўкилиб тартибга келтирилганлиги фикримнинг исботидир.

Элимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини аҳоли учун қурилаётган уй-жойлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда Оқдарёда одамларнинг муносиб ҳаёт кечириши, замонавий иморатларда яшашига шароит яратишга дадил киришилганлиги бунинг ёрқин ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли фармонига асосан тўртта 5 қаватли, 180 та оилага мўлжалланган иншоотлар қурилиши режалаштирилгани айни муддаодир. Тижорат уйлари билан бирга, ёлғиз оналар, кам таъминланган оилаларга шартнома бўйича хонадонлар бунёд этиш ишлари жадал суръатда давом этмоқда.

Биз туман ҳудудидан ўтувчи М-37 халқаро автомобиль йўлини ободонлаштириш, йўловчилар ва сайёҳларга қулай инфратузилма муҳитини яратишни ҳам эзгу муддаолардан бирига айлантирганмиз. Айни пайтда Қорадарё устидан ўтувчи кўприк кенгайтирилиб, охирги юмушлар бажарилаётир. Йўл бўйидаги ошхона, ижтимоий-маиший бинолар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган даражада таъмирланаяпти. Биргина ўтган йили ўндан зиёд ана шундай объект ўз мижозларини қабул қилганлиги эътиборга лойиқ. Яқинда эса Лойиш шаҳарчасига кириш қисмида «Темурхон» МЧЖ ишчи-хизматчилари барча шароитлар мавжуд бўлган автомашиналарга суюлтирилган газ қуйиш шохобчасини фойдаланишга топширдилар.

Туманда айни кунларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўрилмоқда. Хуллас, Оқдарёликлар ориятли, алп, матонатли ва жасур халқ сифатида мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши, янада кўркам бўлиши учун тиним билмай меҳнат қиляптилар. Бошланган ташаббуслар, кенг кўламли лойиҳалар бирма-бир ҳаётга татбиқ этилиб, ўз интиҳосини топяпти. Бундан эса юрт обод, кўнгиллар шод бўлаётгани қалбларга шукуҳ бағишламоқда.

**Нажмиддин СУЛАЙМОНОВ,**
**Оқдарё тумани ҳокими.**

# «Фарҳод» ГЭС реконструкция қилинмоқда

**Янги ГЭСларнинг бунёд этилиши, мавжудларини реконструкция қилиниши борасидаги ишлар тизим тараққиётига хизмат килиши билан аҳамиятли. Бундай йирик лойиҳалардан бири «Фарҳод ГЭС» УКнинг реконструкция қилинишидир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда «Ўзбекгидроэнерго» АЖ таркибига кирувчи 47 та ГЭС мавжуд бўлиб, уларнинг умумий гидроэнергетик қуввати 1 934, 7 МВт ни ташкил этади.**

Маълумотларга кўра, юртимиздаги энг тарихий ва салоҳиятли ГЭСлардан бири ҳисобланган «Фарҳод» ГЭС Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир даврига қарамасдан, Давлат мудофаа қўмитасининг 1942 йил 18 ноябрдаги қарори билан Сирдарё дарёсида 1943 йил 10 февралида қурилиши бошланган. Оммавий ҳашар йўли билан қурилган сув иншоотига Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Тошкент вилоятларидан 60 мингдан ортиқ киши жалб этилган. Германиядан келтирилган технология асосида 1948 йилда ГЭСнинг дастлабки қисми ишга туширилди, бу орқали эса Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларига икки линия бўйлаб 110 кВ саноат токи узатилди. 1951 йил 3 июль куни ГЭС тўлиқ ишга туширилиб, эксплуатация учун қабул қилинди.

Станциянинг фойдаланишга топширилиши иқтисодиёт ва саноатнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди. Эътиборли жиҳати, мазкур қурилишнинг асосий қисми Мирзачўлдаги қаттиқ иқлим шароитида Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида бажарилган. Мазкур ГЭСнинг белгиланган қуввати 126 МВт га тенг бўлиб, 1948 йил февралидан ишга туширилган вақтдан то бугунги кунгача ГЭС 42,9 млрд кВт.с га яқин электр энергия ишлаб чиқарди, ўртача ишлаб чиқариш ҳажми 473,5 млн кВт.с ни ташкил этади. Кейинги йилларда, аниқроғи, 2016 йилда станция томонидан 304,8 млн кВт.с, 2017 йилда 486,1 млн кВт.с, 2018 йилда эса 362,9 млн кВт.с электр энергия ишлаб чиқарилди.

Йиллар давомида доимий эксплуатация қилиниши туфайли кўплаб ускуналарнинг эскиргани ишлаб чиқариш қувватининг кескин пасайишига олиб келди. Тизимдаги агрегатлар, яьни электр энергия ишлаб чиқарадиган 4 та ускунадан айримларигина ишлай оладиган ҳолатга келиб қолди. Шуни эътиборга олган ҳолда, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни изчиллик билан кўпайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўлақонли таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги «2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда 2020 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси доирасида мазкур ГЭСни модернизация ва қайта техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

– Шу ўринда айтиш жоизки, сўнгги уч йил мобайнида «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан янги ГЭСларни қуриш, мавжуд сув иншоотларини модернизация қилиш борасида 30 дан ортиқ инвестициявий лойиҳалар асосида катта ҳажмдаги ишлар олиб борилди, – деди «Ўзбекгидроэнерго» АЖ Ахборот хизмати раҳбари Равшан Бойқулов. – Жумладан, 2020 йилда 188 млн АҚШ долларилик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган булиб, 164 МВт қувватга тенг бўлган 7 та объектнинг ишга туширилиши режалаштирилган. Бу ишлар доирасида бу йил «Фарҳод» ГЭСнинг иккита гидроагрегатини модернизация қилиш ишларини якунига етказиш режалаштирилган. Ҳозирда гидроагрегатларни монтаж қилиш ишлари амалга оширилиб, электр энергиясини узатувчи марказга эса хорижий мутахассислар кўмагида ускуналар ўрнатилди.

Лойиҳа доирасида амалга оширилаётган қурилиш ишлари пандемия пайтида ҳам тўхтаб қолгани йўқ, карантин талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда иш жараёнлари давом эттирилди. Шу йилнинг ўтган 7 ойи давомида, умумий қуввати 22,4 МВт бўлган «Шаҳрихон» ГЭС каскади, Жанубий Фарғона канали 2-ГЭС ва «Қодирия» ГЭС каскади 3-ГЭСининг модернизацияси лойиҳалари якунланиб фойдаланишга топширилди.

Йил якунига қадар яна қуввати 95,9 МВтга тенг қўшимча 4 та лойиҳани, яъни, «Қамчиқ» ГЭС ва «1-Зарчоб» кичик ГЭС қурилиши ҳамда «Тошкент» ГЭСлар каскади 9-ГЭСини ва «Қуйи-Бўзсув» ГЭСлар каскади 14-ГЭСининг модернизациясини якунлашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Шундай қилиб, йил давомида фойдаланишга топширилган лойиҳалар сони 6 тага, қўшимча қурилган қувватлар ҳажми 118,3 Мвтга ва яратилган янги иш ўринлари эса 100 тага етказилади.

Гидроэнергетика соҳасининг тараққиёти мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини ошириш билан бирга, янги ГЭСлар қурилаётган, модернизация қилинаётган гидротехник иншоотлар жойлашган ҳудудлар аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ишлаб чиқариш субъектларининг электр қувватлари билан таъминланишига мустаҳкам замин яратади.

**Наргиза ҲАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Режали ишлар давом эттирилмоқда

**Пандения шароити аҳолининг кўчалардаги ҳаракати, меҳнат қилиши ва фаровон турмуши учун ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бу борада Зомин тумани электр таъминоти корхонаси ҳар қандай шароитда ҳам иш фолиятини бир зум тўхтатмай, айни кунгача электр тармоқларида режали ишларни давом эттириб келмоқда.**



Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишни таъминлаш, вилоят туманларида ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш, жумладан, электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш бўйича «Жиззах ҲЭТК» АЖ тасарруфидаги туман электр таъминоти корхоналари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.



Хусусан, Зомин тумани электр таъминоти корхонаси томонидан куз-қиш мавсумида ижтимоий соҳа объектлари, истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш корхоналарини кафолатли электр энергияси билан таъминлашга қаратилган жорий йилги чора-тадбирларга асосан, 161,9 километр 0,4-6-10 кВли ҳаво тармоқлари, 28 дона 10/0,4 кВ трансформатор пункти мукаммал, шу билан бирга, 275,5 км 0,4-10-35-110 кВли ҳаво тармоқлари, 40 дона трансформатор пунктларида жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, бугунгача бу борадаги ишлар деярли тўлиқ ниҳоясига етказилди.

Булар ҳаммаси эмас. Ўзбекистон Республикаси Призидентининг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст кучланишли тармоқларни янгилаш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2661-сонли ҳамда Ҳукуматнинг бошқа қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида туман электр таъминоти корхонаси томонидан 2020 йилда 48,4 километр ҳаво тармоғи қуриш ва 12 дона трансформатор пункти ўрнатиш бўйича режалаштирилган ишлар ҳам сўнгги паллада турибди.

Сир эмаски, ҳудуд инфраструктураси яхшиланиши билан бу ерда аҳоли турар жойлари, бошқа маиший объектлар жадал суръатларда барпо этила бошлайди. Бу борада сифатли электр энергияси етказиб бериш масаласи муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Буни яхши англаган туман электр таъминоти ишчи-ходимлари электр узатиш тармоқларини доимий кўздан кечириб, носозликларни бартараф этиш, юклама билан ишлаётган трансформатор пунктлари юкламасини камайтириш мақсадида қўшимча, каттароқ қувватли узатмаларни ўрнатиш ишларини олиб бормоқдалар.

Хусусан, «Навбаҳор» МФЙ ҳудудида жойлашган 27-сонли трансформатор пунктига қўшимча қуввати 100 кВА бўлган бир дона, «Ширин» МФЙ ҳудудаги 69-сонли трансформатор пункти юкламасини камайтириш мақсадида 350 метр узунликда 10 кВли электр узатиш ҳаво тармоғи тортилиб, қуввати 160 кВА бўлган бир дона янги замонавий трансформатор пункти ўрнатилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида тармоққа янги уланган, умуман олганда 120 дан ортиқ аҳоли истеъмолчисининг электр энергия таъминоти яхшиланиб, соҳа заҳматкашларидан миннатдорлиги ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун Зомин туман электр таъминоти корхонаси томонидан 1440 та улгуржи ҳамда 26 641 та аҳоли истеъмолчиларига ишончли электр энергияси етказиб берилмоқда.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

## *Қисқа сатрларда*

Ғаллаорол туманидаги ички йўллар жорий таъмирланди. Жумладан, «Мустақиллик» МФЙ Говхона қишлоғи, «Оқтош» ҚФЙ Калтатой-2 қишлоғи, «Оқтош» ҚФЙ ҳудудидаги Янги Ўрай қишлоғи ҳамда «Тонгтор» ҚФЙнинг Қўштепа қишлоғига борувчи йўллар сифатли қилиб таъмирланди. Ҳозирда «Ўсмат» ШФЙ, «Бахмал» ҚФЙ ҳамда «Мўғол» ҚФЙ ҳудудидаги ички йўлларда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда.

Фарғона вилоятидаги «Ёшлик» сув спорти маркази таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу жой ёшларнинг севимли масканларидан бирига айланган. Айни пайтда вилоятда бир неча ёпиқ сув ҳавзалари бўлиб, уларда 3 мингдан зиёд ёшлар шуғулланмоқда. Шу жойдаги сув спорти маҳорат мактабининг икки қаватли биноси, унинг ҳудудидаги 2 та бассейн ҳам таъмирдан чиқарилиб, ёш спортчилар машқларни бошлаб юборишди.

Пешку туманида замонавий архитектурага эга кўркам бинолар сони яна биттага кўпайди. Ҳокимият биноси ёнида Кадастр агентлигининг янги биноси фойдаланишга топширилди. «Бухорои Шариф нафис баҳори» МЧЖ томонидан бунёд этилган иншоотда барча қулайликлар мавжуд.

Кейинги йилларда катта қурилиш майдонига айланган Бухорода шаҳарсозликнинг илғор намуналари асосида барпо этилаётган иншоотлар, аҳоли турар жойлари ва маъмурий бинолар, тобора чирой очиб, ободонлашиб бормоқда. Жумладан, вилоят марказининг Ҳамза, Иброҳим Мўминов ҳамда Ислом Каримов кўчаларида йигирмадан ортиқ кўп қаватли турар жойлар қурилмоқда. Бинокорликда «Дилим нур строй» ҳамда «Адизова Нодира Транс сервис» МЧЖ ишчилари фаол иштирок этишмоқда. Жорий йил якунида ўз эгаларига топшириладиган мазкур турар жойлар туфайли икки юздан ортиқ юртдошимиз замонавий уйларга эга бўлади.

**Ўз мухбиримиз.**

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза 2)»

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития»**

**Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) и строительство сетей канализации**

**Заем № 1024**

**№ конкурсных торгов 2020-05**

1. Республика Узбекистан подписала Заемное соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации проекта «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза 2)» (далее – Проект) и намерена использовать финансовые средства на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения, поставки, установки и шеф-монтажа локального очистного сооружения (ЛОС), а также сетей канализации в сельской местности Республики Узбекистан в рамках Проекта. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок КФАЭР. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС и строительство сетей канализации.

**Срок строительства составляет** – 4 (четыре) месяца.

А) Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) количество 3 единиц ёмкостью по 50 м³ и строительство 0,447 км сетей канализации в сельской местности Ферганской области (***срок строительства составляет** – 4 месяца*).

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг КФАЭР в рамках финансирования КФАЭР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Ферганская область |
|---|
| **Адрес:** город Фергана, Ал-Фаргони, 36.<br>**Телефон:** (73) 244-68-91.<br>**Факс:** (73) 224-68-92. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Ферганская область |
|---|
| **Банк:** Ферганский городской филиал<br>АТБ «InFinBank»<br>**Р/с:** 2021 0000 2037 6761 8001<br>**ИНН:** 202 529 457 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центрах по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Декларацию об обеспечении тендерного предложения требуется приложить к предложениям. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Ферганской области |
|---|
| **Адрес:** город Фергана, ул. А. Навои, 15.<br>**Телефон:** (73) 224-33-77.<br>**Факс:** (73) 222-33-77. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2020-05**
**ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ**

**Проект:** «Развитие инженерной инфраструктуры в сельской местности для строительства индивидуального жилья по типовым проектам (Фаза 2)»

**с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

| № Лота | Наименование района | Наименование массива | Локальное очистное сооружение (ЛОС) ёмкостью 50 м³ | Протяженность сетей канализации (км) | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **по Ферганской области** | | | 3 | **0,447** | 4 месяца | 29 октября 2020 года, 11.00 |
| КФР-35 | Багдадский | Массив «Гулистон» | 1 | 0,149 | | |
| КФР-36 | Бешарыкский | Массив «Адиробод» | 1 | 0,054 | | |
| КФР-37 | Алтыарыкский | Массив «Капчугай» | 1 | 0,243 | | |

| Область | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Завершение поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС не менее ___ единиц, за последние 3 (три) года | Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Завершение укладки сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц | общей протяжённостью более __ п.м. |
| **Фергана** | КФР-35 | 2437,00 | 407,00 | 1300,00 | 3 | 3 | 2000 | 50 | 500 | 1000 |
| **Фергана** | КФР-36 | 2423,00 | 404,00 | 1293,00 | 3 | 3 | 2000 | 50 | 500 | 1000 |
| **Фергана** | КФР-37 | 2537,00 | 423,00 | 1353,00 | 3 | 3 | 2000 | 50 | 500 | 1000 |

# «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 10 ноябрь куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Яшнобод туманида жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2020 йил 2 октябрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Oloy-Invest» МЧЖ** томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. 20200219З003051-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 524 889,45 сўм.
2. 202002193003052-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 246 312,67 сўм.
3. 202002193003053-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 020 681,30 сўм.
4. 202002193003054-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 243 497,04 сўм.
5. 202002193003055-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 717 825,77 сўм.
6. 202002193003056-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 858 238,04 сўм.
7. 202002193003057-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 509 765,75 сўм.
8. 202002193003058-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси**– 983 854,70 сўм.
9. 202002193003059-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 12 900 460,90 сўм.
10. 202002193003060-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 663 615,00 сўм.
11. 202002193003061-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 485 652,00 сўм.
12. 202002193003062-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 436 111,50 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Oloy-Invest» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 10 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар жума ва сешанба кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзил:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№78 (427) 2020 йил 9 октябрь

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида:**

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

## 2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади!

## № 2020-01

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2020 йил 7 октябрь.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** 2020 йил 6 ноябрь.

**Кўп қаватли уй-жойлар қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Андижон вилояти ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июндаги 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Андижон вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

| Андижон вилояти |
|---|
| **Манзил:** Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.<br>**Телефон:** (74) 223-57-05.<br>**Факс:** (74) 223-57-05. |

**5. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«_______ вилояти, ________ тумани, ___________ массивидаги, ________ лот ____ та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчиларининг – Андижон вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Андижон вилояти |
|---|
| **Банк:** АТИБ «InFinBank» Андижон шаҳар бўлими<br>**Ҳ/р:** 2021 2000 4036 4994 4001<br>**СТИР:** 202 453 348 |

**6. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказига;

таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатигача;

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтигача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;

квартиранинг бир квадрат метрининг (1 $м^2$) реализация нархи;

кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.

**7. Танлов таклифларини очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

| Андижон вилояти |
|---|
| **Манзил:** Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.<br>**Телефон:** (74) 223-57-05.<br>**Факс:** (74) 223-57-05. |

**8. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони $м^2$ |
| Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 250 000 000 | 2 750 000 000 | 250 | 450 | 800 |
| Олти қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 3 950 000 000 | 3 050 000 000 | 325 | 525 | 1000 |
| Етти қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 4 550 000 000 | 3 300 000 000 | 350 | 600 | 1200 |

### Лотлар рўйхати

